

## **Аудиторлик фаолиятини автоматлаштириш ва дастурий таъминотнинг аҳамияти**

Сатторов Алишер  
ТДИУ мустақил изланувчи, PhD, доцент  
Тел: (90) 9644090

**Аннотация.** Ҳозирги вақтда жараёнларни автоматлаштириш ҳар бир фаолият соҳасида катта ўрин эгаллаб бормоқда. Ҳамма жойда роботлар жорий этилмоқда, янада мустақил ишлайдиган янги дастурий таъминотлар ишга туширилмоқда. Аудиторлик фаолияти ҳам замонавий технологиялар ва дастурий таъминотлар таъминланиши аудиторлар учун текширув жараёнларини сифатли ўtkазилишига ва вақт сарфини камайишига хизмат қилади. Мазкур мақолада аудитда автоматлаштириш жараёнларини аҳамиятини ёритилиб берилган.

**Аннотация.** В настоящее время автоматизация процессов занимает большое место в каждой сфере деятельности. Повсюду внедряются роботы, запускается новое программное обеспечение, которое работает более автономно. Предоставление современных технологий и программного обеспечения для аудиторской деятельности также способствует повышению качества аудиторских процессов и сокращению временных затрат аудиторов. В этой статье подчеркивается важность автоматизации процессов в аудите.

**Abstract.** Currently, process automation occupies a large place in every field of activity. Robots are being introduced everywhere, new software is being launched that works more autonomously. The provision of modern technologies and software for audit activities also helps to improve the quality of audit processes and reduce the time spent by auditors. This article highlights the importance of process automation in auditing.

Инсон фаолиятининг барча жабҳаларида ахборотлаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши янги ахборот технологиялари пайдо бўлишига хизмат қилган янги ахборот инфратузилмасининг жорий этилиши ва ривожланишига олиб келди. Сўнгти йилларда ахборот технологиялари борган сайин катта ўрин эгалламоқда, чунки улар инсон фаолиятининг турли соҳаларидағи ушбу ахборот жараёнларини оптималлаштириш ва кўп ҳолларда, автоматлаштириш имконини беради.

Аудитни автоматлаштириш деганда, “аудиторлик фаолиятини ташкил этиш, шу жумладан, молиявий ҳисботларни текшириш ва аудиторлик хулосасини тайёрлаш, шунингдек, аудит билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш учун компьютерлар ҳамда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш”ни тушуниш мумкин<sup>1</sup>.

Авваламбор, аудитор илк қадамларда турли ишчи ҳужжатларни -

---

<sup>1</sup> Подольский, В.И. Компьютерные информационные системы в аудите: учебное пособие для студентов вузов, обучающихся по специальности 080109 «Бухгалтерский учет, анализ, аудит» / В.И. Подольский, Н.С.Щербакова, В.Л. Комиссаров; под ред. проф. В.И. Подольского. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2015 г. – 159 с.

тахлилий жадваллар, график кўринишидаги маълумотларни тузиб олиши зарур бўлади, бу эса, жадвалга солинадиган жараёнлар ёки электрон жадваллар ишлатилишини тақозо этади. Электрон жадвалларга энг оддий мисол сифатида MS Excel ва MS Access идоравий дастурларини кўрсатиш мумкин, булар кўп маълумотлар ичидан танлаш, зарур ишчи хужжатларни тайёрлаш ва бошқа ишларни бажариш имконини беради.

Бундан ташқари, аудиторлар томонидан аудиторлик циклининг барча босқичларида MS Word, Word Pad ва бошқа шу каби матнли процессорлар кенг қўлланилади, булар ишчи қофозларни электрон шаклда яратиш ва таҳрир қилиш, шунингдек, турли хил сўровлар, шартномалар, хulosалар ва бошқаларни шакллантириш имконини беради.

Аудиторлик фаолиятида ихтисослаштирилган дастурий таъминотни “ахборот тизимларида аудитор томонидан бажариладиган амалиётлар ва тартиб-таомилларнинг максимал сонини автоматлаштириш, шунингдек, ишда “инсон омили”ни камайтириш эвазига аудит циклининг асосий босқичларида аудит сифатини ошириш имконини берувчи дастурий таъминот” сифатида тавсифлаш мумкин. Маҳаллий бозорда фақат бир нечтагина аудиторлик дастурлари тақдим этилади, уларнинг ҳар бири ўзининг функционал имкониятлари ва хусусиятлари билан ажралиб туради, булар: «Помощник аудитора», «Ассистент Аудитора», «ФинИнформ-Аудит», «Эффект Аудитор», «Аудит Стандарт», «IT Аудит», «AuditXP», «ЭкспрессАудит» ва б.

### **1-жадвал.**

#### **Аудиторлик дастурий таъминоти**

<b>Компания, ташкил топган йили</b>	<b>Ахборот тизими, яратилган йили</b>	<b>Қўлланиш соҳаси</b>
AuditNET, 2003	AuditNET Professional, 2004	Ўрта ва йирик аудиторлик компаниялари учун
	AuditNET Standard, 2004	Кичик аудиторлик компаниялари учун
	AuditNET Enterprise, 2004	Консалтинг-аудиторлик компаниялари ва гурухлари учун
Термика, 1993	"ЭкспрессАудит", 2002	Аудиторлик текширувининг аудиторлик далилларини йиғиш билан боғлиқ кисмини автоматлаштириш учун
	"ЭкспрессАудит:ПРОФ", 2004	Аудиторлик текширувининг барча босқичларида - уни тайёрлашдан бошлаб хужжатлаштиришгача бўлган босқичларда автоматлаштириш ва услубий жиҳатдан қўллаб-куватлаш учун
"Гольдберг Софт", 2005	AuditXP "Комплекс Аудит", версия 2005	Умумий аудитни ўтказишнинг барча босқичларида маълумотларни киритиш ва қайта ишлашни автоматлаштириш учун
"Мастер-Софт", 2003	IT Audit: Аудитор, 2005	Аудитни ўтказиш методикасини ишлаб чиқиш; ўрта ва майда аудиторлик фирмалари фаолиятини автоматлаштириш учун

Шундай қилиб, аудитни автоматлаштириш дастурлари бозорида дастурни ва уни ишлаб чиқувчи компанияни танлаш вазифаси ниҳоятда қийин эканлиги тўғрисида хulosha чиқариш мумкин. Аудит учун дастурларнинг функционал имкониятларини таққослаш натижасида аниқланишича, барча кўриб чиқилган дастурий таъминотлар асосан тайёрлов босқичига, яъни режалаштиришга, шунингдек, аудитор аудиторлик циклининг асосий босқичларида қўллаши зарур бўлган усулларни баён қилишга мўлжалланган.

**2-жадвал.**

**Аудиторлик циклининг турли босқичларида аудитни автоматлаштириш дастурларининг асосий функционал имкониятлари<sup>2</sup>**

№	Функционал имконияти	“IT Аудит”	“Audit XP”	“Экспресс Аудит”
1	2	3	4	5
<b>Аудитни режалаштириш босқичи</b>				
1	Мижозни бизнес билан таништириш	+	+	+
2	Аудиторнинг ишчи хужжатларини автоматлаштириш	+	+	+
3	Ажратилмайдиган рискни баҳолаш	+	+	+
4	Ички назорат тизимини баҳолаш	+	+	+
5	Аудиторлик рискини баҳолаш	+	+	
6	Аҳамиятлилик даражасини баҳолаш			
7	Бухгалтерия базасидан мижоз ҳақидаги маълумотларни тортиб олиш			
8	Текширувнинг умумий режаси			
9	Аудиторлик текшируви дастури			
10	Хар бир тартиб-таомил бўйича ишчи хужжатларни кўрсатиш			
11	Экспресс-аудит			
12	Аудит сифатини текшириш			
<b>Аудиторлик далилларини йиғиши босқичи</b>				
1	Бухгалтерия хисоби ахборот тизимидан маълумотларни тортиб олиш			
2	Аудиторлик танланмаси			
3	Таҳлилий тартиб-таомиллар			
4	Аудиторлик далилларини йиғиши			
5	Аудитни хужжатлаштириш			
6	Аудитор хисоботи			
7	Аудиторлик хулосаси			

Тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, аудитга ахборот технологияларини жорий этиш аудиторлар ишини сезиларли даражада осонлаштириди, уларга компания молиявий ҳисботини текширишда ўз эътиборини янада муҳимроқ омилларга қаратиш имконини берди. Жумладан, аудиторлар хар бир компаниянинг рискларга мойил соҳаларини таҳлил қилиш учун камроқ вақт сарфлайди, кўпроқ эътиборини молиявий ҳисботнинг ва умуман, бизнеснинг юқори рискли моддаларини батафсил ўрганишга қаратади. Синаб кўриш учун позицияларни танлаш энди субъектив эмас, бу эса аудиторлик хизматларининг сифатига катта таъсир кўрсатади. Ахборотни қайта ишлашнинг замонавий усуслари туфайли, компаниянинг молиявий маълумотларини таҳлил қилишга камроқ вақт сарфланяпти. Аудитга ахборот технологияларини жорий этиш натижасида аудиторлик текширувни ўтказиш вақти камайди, тақдим этилаётган хизматларнинг сифати ошди, аудиторлик компанияси аъзоларининг иш шароитлари яхшиланди.

Ҳозирги вақтда жараёнларни автоматлаштириш ҳар бир фаолият соҳасида катта таъсир кўрсатади. Ҳамма жойда роботлар жорий этилмоқда, янада мустақил ишлайдиган янги дастурий таъминотлар ишга

<sup>2</sup> Муаллиф томонидан тузилган

туширилмоқда. Фаолият соҳаси турлича бўлган кўплаб компанияларнинг асосий бизнес-жараёнларига сунъий интеллектнинг жорий этилиши фаол ривожланмоқда, “ақлли” роботлаштирилган маслаҳатчилар пайдо бўлмоқда, бизнеснинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари динамикасини аниқлаш учун ишлатиладиган сунъий нейрон тармоқларнинг мураккаб моделлари яратилмоқда, ўсиш ёки пасайишнинг асосий омилларини прогнозлаштириш учун бошқа ўрганиш техникалари ишлатилмоқда. Яқин истиқболда рақамлаштириш заруратининг ўсишига ишонч ҳосил қилиш учун, сўнгги 10 йилдаги S&P 500 Information technology индекси динамикасини кузатишнинг ўзи кифоя. Ушбу индекснинг 2010 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда ўсиши 500%дан ортиқни ташкил этди. Энг кучли ўсиш 2016-2020 йилларга тўғри келди<sup>3</sup>.

Шубҳасиз, аудит ҳам қатор ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. Албатта, ҳозир компания молиявий ҳисботи текширувани фақатгина сунъий интеллектнинг ўзига ишониб топшириб бўлмайди, асосий маъсулият барибир инсонлар зиммасига тушади, чунки аудит жараёнини, бажариладиган тартиб-таомилларнинг таркиби ва ҳажмини тўлиқ шакллантириш инсон омилисиз бажариб бўлмайди. Энди ҳар бир мижозга нисбатан профессионал хулосани шакллантиришда фикрлаш зарурати туғилмоқда. Шунга қарамай, ҳар йили ишнинг қайсиидир бир қисмини машиналарга юклаш имконини берадиган технологиялар ишлаб чиқилмоқда ва жорий этилмоқда<sup>4</sup>.

Аудит учун ИТ-дастурларнинг маҳсус секциялари мавжуд бўлиб, уларда тартиб-таомилларнинг бажарилиши ҳамда уларнинг натижалари ҳужжатлаштирилади. Бундай секциялар бажарилаётган тартиб-таомилларни баён қилишга тизимлаштирилган ҳолда ёндашиш имконини беради, тавсифлаш ёки синовдан ўтказишида етишмаётган элементларни кўрсатади, шунингдек, ўтказилган тартиб-таомиллар натижаларини баҳолайди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда янги ахборот технологияларини, шу жумладан, аудитни автоматлаштириш учун ахборот тизимларини ишлатиш долзарб масаладир. Янада сифатли дастурий маҳсулотларнинг пайдо бўлиши ва аудиторлик фаолиятида улардан фойдаланишнинг ортиши нафақат иш самарадорлиги ҳамда сифатига таъсир этади, балки бу рақобат ва фаолият рентабеллигини оширишга ҳам ёрдам беради.

---

<sup>3</sup> Информационный портал: [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://finance.yahoo.com/> (дата обращения: 10.11.2022).

<sup>4</sup> Голышева Е.А. Информационные технологии в аудите // Синергия наук, 2017. № 8. С. 102–108. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://synergyjournal.ru/archive/article0236/> (дата обращения: 10.11.2020).